

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ТИЛЛЯШАЙХОВА РАЪНО МИРЗАГАЛЕБОВНА**

**КАМ ИНВАЗИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА  
МУШАК-НОИНВАЗИВ ҚОВУҚ САРАТОННИ ДАВОЛАШ-  
ТАШҲИСЛАШ ТАКТИКАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)**

**Тилляшайхова Раъно Мирзагалебовна**

Кам инвазив технологияларни қўллаган ҳолда

мушак-ноинвазив қовуқ саратонини

даволаш-ташҳислаш тактикасини ишлаб чиқиш ..... 3

**Тилляшайхова Раъно Мирзагалебовна**

Разработка лечебно-диагностической тактики

при мышечно-неинвазивном раке мочевого

пузыря с использованием малоинвазивных технологий ..... 30

**Tillyashaikhova Rayno Mirzagalebovna**

Development of therapeutic and diagnostic tactics

for noninvasive muscular bladder cancer using

minimally invasive technologies ..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 62

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019Тib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ТИЛЛЯШАЙХОВА РАЪНО МИРЗАГАЛЕБОВНА**

**КАМ ИНВАЗИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА  
МУШАК-НОИНВАЗИВ ҚОВУҚ САРАТОННИ ДАВОЛАШ-  
ТАШҲИСЛАШ ТАКТИКАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2.DSc/Tib857 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч ҳил тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-сайтида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Юсупбеков Абдоржон Ахмеджанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нишанов Дониер Анорбоевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Гайбуллаев Асилбек Асадович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Мамадалиева Яшнар Мамасолиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд Давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси 2025 й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да соат \_\_\_да Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий даражалар бериш бўйича DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-сон билан рўйхатдан ўтказилган). манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13.

Диссертация автореферати тарқатилди «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 йилда.  
(2025 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сонли юбориш протоколи реестри).

**М.А. Гофур-Ахунов**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш раис  
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

## Кириш (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Замонавий тиббий технологияларнинг ривожланиши, диагностика ва даволашнинг янги стандартларини ишлаб чиқиш ва кенг жорий этиш клиник онкологияда, хусусан, онкурологияда муваффақиятларга эришиш имконини берди. Global Cancer Observatory (Globocan) маълумотларига кўра, «...дунёда ҳар йили касалликнинг 600 мингдан ортиқ янги ҳолатлари қайд этилади ва 2022 йилда ҚС билан оғриган беморлар сони 1,95 миллиондан ошди (барча саратон ҳолатларининг ўртача 3%)...»<sup>1</sup>. Жаҳоннинг барча худудларида ҚС онкоурологик касалликлар орасида простата саратонидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Бинобарин, 2022 йил статистикасига кўра, эркакларда саратон касаллиги таркибида ҚС дунёда 6-ўринни ва аёлларда 17-ўринни эгаллади. Ҳар йили ҚС дан 220 мингдан ортиқ бемор вафот этади (эркаклар - 3,3/100000, аёллар - 0,9/100000). Ўзбекистонда сийдик йўлларида хавфли ўсмалари орасида ҚС улуши 70% ни ташкил этади, 2010 йилдан 2020 йилгача 10 йил давомида 11,76% га ўсиш қайд этилган. Шу билан бирга, тақидлаш жоизки, мушакга ноинвазив қовуқ саратонини даволаш замонавий онкологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда онкоурология соҳасида каминвазив технологиялар муваффақиятли ва асосли қўлланилаётгани ва бутун дунё бўйлаб талайгина материаллар тўпланганлиги ҳақида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, ҳозирги вақтда ўсмаларни аниқлаш ва олиб ташлаш учун фотодинамик усуллар қўлланилади. Баъзи муаллифлар қовуқ саратонини даволашда фотодинамик элементларни ТУР билан комбинациясининг юқори самарадорлигини, яъни рецидивлар фақат ТУР қўлланилганда 56,6% ўрнига, 29,9% кузатилишини таъкидлашмоқда. Бунда қовуқ ўсмасини лазер деструкциясидан кейин Т1 босқичида умумий рецидив даражаси бирламчи беморларда 33% дан касалликнинг рецидивланиши бўлган беморларда 54% гача кузатилади. Шу билан бирга, бошқа муаллифлар ТУР ва лазер терапиядан кейин сезиларли фарқни аниқламадилар. Дастлабки 6 ой ичида рецидивнинг юқори эҳтимоли ТУРнинг етарли даражадаги даво муолажаси эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун барча беморларга адъювант терапияни тайинланишини кўриб чиқиш таклиф қилинган. Лекин, адабиётлар шарҳига кўра, турли муваффақиятларга қарамай, жарроҳлик йўли билан даволаш мушак ноинвазив қовуқ саратонини даволашнинг энг самарали усули бўлиб қолмоқда ва бу таклиф қилинаётган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига

<sup>1</sup> [https://gco.iarc.fr/today/en/dataviz/pie?mode=population&group\\_populations=0&cancers=30](https://gco.iarc.fr/today/en/dataviz/pie?mode=population&group_populations=0&cancers=30).

мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, кам инвазив технологияларни қўллаган ҳолда мушак-ноинвазив қовуқ саратонини даволаш-ташҳислаш тактикасини ишлаб чиқиш дастурига қаратилган тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 27 майдаги ПҚ–5130-сон «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи**<sup>3</sup>. Кам инвазив технологияларни қўллаган ҳолда мушак-ноинвазив қовуқ саратонини даволашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Iowa, University of Pennsylvania, Houston Methodist Hospital Research Institute (АҚШ); University of Cambridge, Perinatal Institute (Буюк Британия); Universität Ulm am Bezirkskrankenhaus Günzburg, Hannover Medical School (Германия); University of Catania, (Италия); Saga University; Kawasaki Medical School (Япония); University of Fudan University Hunan Normal University; University of Jiangnan; Huazhong University of Science and Technology; University of Central South (Хитой); University of Tokyo Metropolitan Cancer and Infectious diseases Center Komagome Hospital (Япония); University of Hebei Medical (Хитой); University of Thessaly (Греция); Arnau de Vilanova University Hospital (Испания); N.N.Petrov Research Institute of Oncology (Россия); Donetsk National Medical University (Украина) ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони;

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.washington.edu](http://www.washington.edu), [www.ku.edu](http://www.ku.edu), [www.atlantaoralpathology.com](http://www.atlantaoralpathology.com), [www.univr.it](http://www.univr.it), [www.unipv.it](http://www.unipv.it), [www.uksh.de](http://www.uksh.de), [www.keio.ac.jp](http://www.keio.ac.jp), [www.ico.gencat.cat](http://www.ico.gencat.cat), [www.uoa.gr](http://www.uoa.gr), [www.ufsc.br](http://www.ufsc.br), [www.yonsei.ac.kr](http://www.yonsei.ac.kr), [www.sydney.edu.au](http://www.sydney.edu.au), [www.jazanu.edu.sa](http://www.jazanu.edu.sa), [www.rims.edu.in](http://www.rims.edu.in), [www.rmioi.ru](http://www.rmioi.ru), [www.toshvilonko.uz](http://www.toshvilonko.uz)сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Рецидивларнинг пайдо бўлиши ўсманинг гистологик хусусиятларига мутаносиб боғлиқликка эга, мультицентрик ўсишнинг мавжудлиги, касалликнинг келгуси ривожланишининг 20 дан 85% гача вариациясини ҳисобга олади. Бундай нисбатан ёмон рақамларга қарамай, ҚС эрта босқичларида трансуретрал резекция (ТУР) фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида замонавий адабиётларда кўп маълумотлар мавжуд. Ушбу натижа тиббий технологияларни модернизация қилиш, яъни объектни кўп марта катталаштириш имкониятини берувчи жарроҳлик амалиёти пайтида видео ёрдамида визуал назорат, замонавий фиброэластик материаллардан фойдаланиш билан ҳам тасдиқланади. Oosterlinck J.W.A. et al.га маълумотга кўра, юзаки ҚСда ТУР ёрдамида беморларнинг 30% гача қисмини бутунлай даволаш мумкин. Шу билан бирга, муаллифларнинг кузатувлари шуни кўрсатадики, беморларнинг 70 фоизда 5 йил ичида рецидивлар кузатилади ва уларнинг 85 фоизи 1 йил ичида кузатилади. Ушбу ҳолат сўнгги 3 ўн йилликда ўсма жараёнига таъсир қилишнинг янги комбинацияланган усуллари излашни талаб қилди. Бу ҚСда ТУР натижаларини яхшилайти ва шунинг учун беморларнинг ҳаёт сифатини ва тиббий ва ижтимоий реабилитация даражасини яхшилашга қаратилган бевосита ва узоқ муддатли даволаш натижаларини яхшилайти.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан 1476 беморларнинг 7 рандомизацияланган мета-таҳлил асосида қилинган ҳулосаларга кўра, ТУРдан кейинги адъювант бир марталик кимё терапия рецидивлар частотасини 48,4%дан 36,7%га камайтирган (Алексеев Б.Я. и др., 2011, Карнаух П.А. и др., 2012, Andersen M.H., 2014, Yorukoglu K. Et all, 2003). Хусусан, турли хил прогнозлаш вариантлари ва кимёвий-иммунотерапевтик даволаш усуллари жорий этиш туфайли сўнгги 10 йил ичида мушак ноинвазив қовуқ саратонида жарроҳлик аралашувларга ёндашувлар сезиларли ўзгаришларга дуч келди. Ўз навбатида, яхши прогнозда, операциядан кейин кимё препаратнинг бир марталик инсталляцияси рецидивланиш хавфини камайтиради. Бироқ, рецидивланиш хавфи камайтганига қарамай, мавжуд натижалар қониқарли эмас (Тилляшайхов М.Н. ва ҳаммуал., 2023, Gust K.M., McConkey D. 2013).

ЕОРТС ва Medical Research Council (MRC) томонидан олиб борилган мета-тадқиқотларга кўра, оралик прогнозли беморларда интравезикал кимётерапия ва бир режимли ТУРни қиёсий баҳолаш касалликнинг рецидив хавфини камайтирадиган адъювант кимётерапия патологик жараённинг кейинги прогрессияланишига (генерализациясига) таъсир қилмаслигини исботланган (Сафиуллин Н.К. 2012). Kumar P. et al. 11 мета-таҳлил асосида рецидив ривожланишининг оралик, юқори хавфи билан 49 беморларнинг натижаларини ўрганиб, БЦЖ-терапия дори Митомицин С (ММС) билан солиштирганда статистик аҳамиятли афзаллиги бор деб хабар қилинди. Бинобарин, рецидив ривожланиши ММСдан кейин 38,6% билан солиштирганда БЦЖ-терапийадан сўнг беморларнинг 46,4 фоизда содир бўлди (Souhami P., Tobayes J., 2015, Сафиуллин Н.К. 2012).

Мушакга ноинвазив қовуқ саратонида ТУРни ўтказиш доим қолдиқ ўсма қолиш хавфи билан бирга кечади (Hedegaard J. et al. 2014, Quaas A. et al. 2014). Т1 босқичида кам инвазив жарроҳлик давосидан сўнг қолдиқ ўсма 33-53% беморда аниқланган ва бунда тадқиқотчилар фикрига кўра, ўсма бирламчи резекция вақтида етарлича босқичланмаган бўлиши мумкин (Cohn M.L. et al. 2005, Feng C.C. et al. 2011). Та ва Т1ни етарлича аниқ босқичланмаслик хатоси охир оқибат 35-62% ҳолатларда цистэктомия (ЦЭ) ўтказишга сабаб бўлади (Kandimalla R. et al. 2013, Nakanishi K, et al. 2008, Urquidi V. et al. 2012).

Бир қатор тадқиқотчиларнинг натижалари шуни кўрсатадики, МНҚС учун асосий даволаш усули сифатида цистэктомия қўлланилганда 10 йиллик рецидивсиз яшовчанлик 80% га етади ва бу БЦЖ вакцинаси билан адъювант узоқ муддатли иммунотерапия билан ТУР дан кейин беморларнинг яшовчанлиги билан бир хил. Мушак-ноинвазив қовуқ саратони беморларида биринчи рецидив бўйича цистэктомияга кўрсатма бўлган ва биринчи ТУР ва БЦЖ терапиядан сўнг 2 йил ичида рецидив пайдо бўлган беморлар, инвазив саратон ривожланган беморларга қараганда яхшироқ прогнозга эга бўлишади (Kojima T. et al. 2016). Аммо бундай беморларда ҳаёт сифати ТУР ўтказилганларга нисбатан анча паст бўлади.

Мамлакатимизда кам инвазив технология усулларида фойдаланиш, шунингдек, мушакга ноинвазив қовуқ саратонини даволаш-ташҳислаш тактикасини ишлаб чиқиш бўйича ҳозирги кунда салмоқли тадқиқотлар ўтказилмаган бўлиб, беморлар учун даво усулини танлаш индивидуал ёндашишни талаб этади ва бу замонавий онкологиянинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг ФЗ-201908061 рақамли «Қовуқ хавфли ўсмаларини даволаш учун фибротолали оптикани қўллаш билан танловчи лазер таъсирига асосланган қурилма ишлаб чиқиш» (2020-2022 йй) мавзусидаги амалий лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мушакга ноинвазив қовуқ саратонини ташҳислаш ва даволашнинг мультимодал ёндашувларини қўллашга асосланган эрта ташҳислаш ва даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

МНҚСда кам инвазив даволашнинг мультимодал усуллари ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

касалликнинг прогрессияланишида МНҚС ва перитуморал соҳанинг клиник ва морфологик жиҳатлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

МНҚСга хос морфологик ва иммуногистокимёвий мезонларни аниқлаш;

МНҚСни ТУР ва мультимодал комбинацияланган даволаш самарадорлигини қиёсий жиҳатдан ўрганиш;

мультиградацион таҳлилга асосланиб, МНҚС нинг миниинвазив ва комбинацияланган терапиясидан сўнг касалликнинг прогрессияланиш хавфини аниқлаш;

МНҚС рецидивлари ривожланишида молекуляр генетик маркерларнинг аҳамиятини тадқиқ қилиш;

МНҚС билан оғриган беморларда касалликнинг прогрессияланишини ва унинг асосий онкологик кўрсаткичларга таъсирини дастурлаштирилган такрорий мониторингининг стратегик аҳамиятини аниқлаш;

МНҚСда миниинвазив технологиялардан фойдаланган ҳолда мультимодал даволаш усуллари бевосита ва узоқ муддатли натижаларини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг Тошкент шаҳар филиали онкоурология бўлимларида 2014-2023 йилларда МНҚС билан даволанган 227 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети:** Та ва Т1 босқичдаги мушакга ноинвазив қовуқ саратони билан оғриган беморларда ТУР, интравезикал кимётерапия ва фотодинамик терапия натижаларини ўрганиш ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Клиник-лаборатор, морфологик ва иммуногистокимёвий, эндоскопик текширувлар, фотодинамик терапия, материални мультиградацион баҳолаш ва статистик таҳлил усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қовуқнинг мушак-ноинвазив саратонини мультимодал даволашда комбинирланган миниинвазив жарроҳлик билан фотодинамик терапия ўз прецизионлик ва ўсманинг аниқ чегара ва чуқурлиги кўриниши ҳисобига ўсманинг радикал олиниши исботланган;

қовуқнинг мушак-ноинвазив саратонини даводан кейинги Ki-67 нинг 40% юқори экспрессия кузатилган ҳолатда ўсманинг микромуҳит танқислиги ва патологик жараён тажовузкорлиги ҳисобига касаллик қайталанишининг юқори ҳавф омил эканлиги исботланган.

қовуқнинг мушак-ноинвазив саратонинининг бирламчи ва такрорий рецидивларини эрта ташхислашда операциядан кейинги 4-6 hafta ичида касалликни қайталаниш эрта белгиларни пайдо бўлиши ҳисобига олган ҳолда “Second look” трансуретрал ревизиянинг қулланилиши исботланган;

илк мартда ўсманинг гистологик дифференциация турлари ва иммуногистокимёвий биомаркерлар экспрессиясини комплекс баҳолаш асосида қовуқ мушак-ноинвазив саратонини прогрессиясини башоратлашнинг ҳавф даражалари мезонлари ишлаб чиқилган.

мушак-ноинвазив қовуқ саратонини мультимодал даволашдан сўнги рецидив ҳавфини башоратлашда Ki-67, PD-L1, p53 ва C-erbB2 биомаркерларининг моно- ёки синхрон экспрессияси молекуляр-генетик башорат ҳисобига предикторлар эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

МНҚСни стандарт даволашда бирламчи ТУР дан кейин фотодинамик терапия усулини киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу рецидивлар частотасининг пасайишига ва даволаш натижаларининг яхшиланишига олиб келган;

тадқиқот материалнинг кўп омиллик талқини касаллик натижасини прогнозлашда клиник-морфологик ва иммуногистокимёвий мезонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатилган. Бунда, ИВКТ ва ёки ФДТни клиник амалиётга жорий этилиши касаллик ривожланиш хавфи юқори бўлиши билан боғлиқлиги очиб берилган;

МНҚСда иммуногистокимёвий специфик онкопротеинлар экспрессияси эрта таъхис қўйиш ва даволаш натижаларини прогнозлаш учун клиник амалиётда биомаркер сифатида қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган;

операциядан кейинги 4-ҳафтадаёқ Second look назоратини бажарилиши касалликнинг локорегионар прогрессиясини эрта аниқлашга ва рецидивларни бартараф этиш чораларини ўз вақтида амалга оширишга ёрдам берган.

МНҚСни даволашда мультимодал ёндашув беморларнинг периператив бошқарувини яхшилаш ва операциядан кейинги стационарда қолиш муддатини ҳамда асоратларни камайтиришга имкон берган;

кам инвазив технологияларнинг фотодинамик ёки қовуқ ички кимётерапияси билан комбинацияси, МНҚСни даволашнинг бевосита ва узок муддатли натижаларини яхшиланишига олиб келган. Ўз навбатида, локорегионал прогрессия сонининг сезиларли даражада камайиши ва клиник-морфологик мезонлардан оқилона фойдаланиш туфайли узок муддатда иқтисодий самарадорликка эришишга ёрдам берган;

МНҚС биомаркерларининг иммуногистокимёвий таҳлили персоналлашган комплекс даволаш арсеналига иммунотерапия препаратларини киритиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланиладиган замонавий усул ва ёндашувларнинг мувофиқлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий асосланганлиги, таҳлил учун беморларнинг етарли сони, тадқиқотда замонавий ва статистик усуллардан фойдаланиш, натижаларни бошқа тадқиқотлар кўрсаткичлари билан таққослаш билан тасдиқланганлиги билан асосланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган маълумотларга асосланиб, МНҚС билан оғриган беморларни аъзо сақловчи даво ва касалликнинг рецидивланишини олдини олиш нуктаи назаридан даволашнинг мақбул усуллари таклиф этилган, турли комбинирланган терапиянинг мақсадга мувофиқлиги асосланган ва МНҚСни даволашда ишлаб чиқилган мультимодал ёндашувлар уларни онкоурологик беморларни даволаш билан шуғулладиган соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасаларда жорий этиш ва улардан фойдаланиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти прогноз омилларини тўғри баҳолаш жарроҳлик даволашдан сўнг тегишли ва хавфсиз терапия усулини танлаш учун объектив имконият яратади, бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, замонавий халқаро даражадаги тиббий муассасада даволаниш вақтини ва молиявий харажатларини камайтиришга имкон беради ва

онкологик беморларнинг ушбу контингентининг кўпчилик қисми меҳнатга лаёқатли ва узок вақт рецидивсиз давр яшашга юқори имконияти бор бўлганлигини ҳисобга олиб, тадқиқот натижалари бизга бир қатор беморларда меҳнат қобилятини тиклаш ва инвалидликни камайтириш ижтимоий муаммосини ҳам ҳал қилиш имконини бериши билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 9/49 - сонли хулосасига кўра.

*Биринчи илмий янгилик:* қовуқнинг мушак-ноинвазив саратонини мультимодал даволашда комбинирланган миниинвазив жарроҳлик билан фотодинамик терапия ўз прецизионлик ва ўсманинг аниқ чегара ва чуқурлиги кўриниши ҳисобига ўсманинг радикал олиниши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали умумий хирургия бўлимида 2024 йилнинг 12 ноябрдаги №78-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиали хирургия бўлимида 2024 йилнинг 12 ноябрдаги №69-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* минимал инвазив усуллардан фойдалаш ва операция фотодинамик терапиядан фойдалалиш қовуқ саратони билан оғриган беморларнинг реабилитациясини тезлаштириши ва ҳаёт сифатини яхшилашга эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мультимодал даволаш усуллари беморларнинг стационарда қолишини 2 баробарга қисқартирган, кўшимча дори-дармонлами даволашга бўлган эҳтиёжни 50 фоизга қисқартиришига ва 1 нафар даволанган бемор учун умумий харажатлардан қарийб 5-7% гача иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* МНҚС билан оғриган беморларни мултимодал даволаш умумий рецидивлар сонини кескин камайишига, яшовчанлик кўрсаткичини қарийб 10% га ортишига ва 1 нафар бемор ҳисобига 5-7%га иқтисод қилиш натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

*Иккинчи илмий янгилик:* қовуқнинг мушак-ноинвазив саратонини даводан кейинги Ki-67 нинг 40% юқори экспрессия кузатилган ҳолатда ўсманинг микромуҳит танқислиги ва патологик жараён тажовузкорлиги ҳисобига касаллик қайталанишининг юқори ҳавф омил эканлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали умумий хирургия бўлимида 2024 йилнинг 12 ноябрдаги №78-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиали хирургия бўлимида 2024 йилнинг 12 ноябрдаги №69-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ТУР ва фотодинамик терапия билан комбинацияланган усулни қўлланилиши айнан фотодинамик нурларнинг пострезекцион соҳага индуцирловчи таъсири натижасида рецидив ва касаллик прогрессияси эҳтимолини қарийб 15% га камайтиради, ўз навбатида бу яшовчанлик ва тиббий реабилитация кўрсаткичлари оширишга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* трансуретрал резекция ва фотодинамик терапия усуллари

бирга қўллинилиши дастлабки сарф харажатларнинг бошқа даво усулларига нисбатан юқорироқ бўлишига қарамасдан, ўрта ва узоқ муддатларда рецидивлар сонини 32% дан 18% гача камайиши ҳамда ҳаёт сифатини яхшиланиши ҳисобига меҳнатга лаёқатлик қобилятини эрта тикланиши ва ногиронлик кўрсаткичларини кескин камайиши эвазига бюджетдан бўладиган харажатларни 2 баробаргача иқтисод қилишига эришилган. *Хулоса:* қовуқ саратони эрта босқичларида ТУР ва фотодинамик терапиядан иборат комбинирланган усулни қўлланилиши рецидив ва касаллик прогрессияси эҳтимолини қарийб 15% га камайтирган, ўз навбатида бу яшовчанлик ва тиббий реабилитация кўрсаткичларини оширишга имкон берган. Натижада ўрта ва узоқ муддатли кузатувларда рецидивлар қарийб 0,8 марта камайиши ҳамда ҳаёт сифатини яхшиланиши, меҳнатга лаёқатлик қобилятини эрта тикланиши ва эҳтимолий ногиронлик кўрсаткичларини камайиши эвазига бюджет харажатларини 2 баробаргача иқтисод қилишга эришилган.

*Учинчи илмий янгилик:* қовуқнинг мушак-ноинвазив саратонинининг бирламчи ва такрорий рецидивларини эрта ташхислашда операциядан кейинги 4-6 ҳафта ичида касалликни қайталаниш эрта белгиларни пайдо бўлиши ҳисобига олган ҳолда “Second look” трансуретрал ревизиянинг қўлланилиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали умумий хирургия бўлимида 2024 йилнинг 12 ноябрдаги №77-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиали хирургия бўлимида 2024 йилнинг 12 ноябрдаги №68-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* дастлабки мининвазив хирургик даводан сўнг 4-ҳафтада беморларга қайта назорат цистоскопия текширувини ўтказилиши режа асосида назорат қилинмаган беморлар гуруҳига нисбатан касаллик рецидивини эҳтимолини камайтириши натижасида беморларни эрта фаоллиштиришни яхшилаш, беморларни стационарда бўлиш кунларини қисқартириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* дастлабки мининвазив хирургик даводан сўнг 4-ҳафтада беморларга қайта назорат цистоскопия текширувини ўтказилиши рецидивлар эҳтимолини камайтириш ва прогрессияни олдини олиш эвазига бюджетдан сарф харажатларни 7,0%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* касаллик рецидивини эҳтимолини камайтириши натижасида беморларни эрта фаоллиштиришни яхшилаш, беморларни ўринда бўлишини қисқартириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бергани туфайли, келгусида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир қайта даво учун 7,0 %га иқтисод қилиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган ва маблағларни иқтисод қилишга эришилган.

*Тўртинчи илмий янгилик:* илк мартда ўсманинг гистологик дифференциация турлари ва иммуногистохимёвий биомаркерлар экспрессиясини комплекс баҳолаш асосида қовуқ мушак-ноинвазив саратонини прогрессиясини башоратлашнинг хавф даражалари мезонлари ишлаб чиқилган модели Фарғона филиали умумий хирургия бўлимида 2024

йилнинг 12 ноябрдаги №78-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиали хирургия бўлимида 2024 йилнинг 12 ноябрдаги №69-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* замонавий таҳлил усуллари натижаларига асосланган 3 гуруҳдан 26 градациялик прогностик моделни қўлланилиши касалликни даволаш натижаларини олдиндан баҳолаш ва рецидив эҳтимолини юқори аниқликда прогноз қилиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* прогностик омилларни клиник амалиётда қўлланилиши эҳтимолий рецидив ва прогрессия холатларини олдиндан баҳолаш эвазига келгуси назорат кўриклари адекват белгилаш имконини берганлиги сабабли бюджетдан бўладиган сарфларни 1 бемор учун қарийб 7,0% гача иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* қарийб 26 омилдан иборат мультиградацион таҳлил асосида МНҚС прогрессияси учун 3 та хавф даражалари такомиллаштирилганлиги касалликни даволаш натижаларини олдиндан баҳолаш ва рецидив эҳтимолини юқори аниқликда прогноз қилиш имконини берганлиги туфайли 1 бемор учун қарийб 7,0% гача иқтисод қилишга эришилган ва бу орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

*Бешинчи илмий янгилик:* мушак-ноинвазив қовуқ саратонини мультимодал даволашдан сўнги рецидив хавфини башоратлашда Ki-67, PD-L1, p53 ва C-erbB2 биомаркерларининг моно- ёки синхрон экспрессияси молекуляр-генетик башорат ҳисобига предикторлар эканлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали умумий хирургия бўлимида 2024 йилнинг 12 ноябрдаги №77-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиали хирургия бўлимида 2024 йилнинг 12 ноябрдаги №68-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* молекуляр-генетик биомаркерларни қўллаш эвазига касаллик прогрессияси ва рецидиви сонини камайтириш орқали ҳаёт сифатининг яхшиланиши, ногиронликнинг пасайиши, ўзгалар парваришига муҳтожликни камайтирган ва умр давомийлигининг узайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* МНҚСда даволаш натижаларини молекуляр-генетик даражада прогноз қилиш учун Ki-67, PD-L1, p53 ва C-erbB2 биомаркерларнинг моно- ёки синхрон экспрессиясининг предиктор сифатида қўлланилиши адекват даволаш стратегиясини белгилаш имконини бериши натижасида ҳаёт сифатини яхшиланиши, ногиронликни ва меҳнатга лаёқатсизлик қобилиятини камайитирилиши ҳисобига 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 5,0%га иқтисод қилиш, ортиқча аъзони олиб ташловчи операцияларни бажариш лозимлиги эҳтимолини минимизация қилиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган ва маблағлар иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* рецидив юқори аниқликда прогноз қилиш имконини берганлиги туфайли 1 бемор учун қарийб 6,5% гача иқтисод

қилишга эришилган ва бу орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

Р.М. Тилляшайхованинг **«Кам инвазив технологияларни қўллаган ҳолда мушак-ноинвазив қовуқ саратонини даволаш-ташхислаш тактикасини ишлаб чиқиш»** мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 5 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт муассаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024 йилдаги 19 ноябрдаги 02- 03/682-сон хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

**Илмий натижаларнинг апробацияси.** Ушбу тадқиқотнинг натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика конференцияларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, улардан 12 таси журнал мақолалари: шундан 6 таси маҳаллий ва 6 таси хорижий, жумладан диссертациянинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий журналларда. Нашр қилинган тезислар - 11 та, интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси – 1 ва услубий тавсиянома – 2 та.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, етти боб, яқун, хулосалар, амалий тавсиялар ва келтирилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 183 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** олиб борилаётган тадқиқотнинг долзарблиги ва талаб борлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **«Мушак-ноинвазив қовуқ саратонини ташхислаш ва даволашнинг замонавий ҳолати»** мавзусидаги биринчи боби МНҚС миниинвазив даволаш жараёнларининг ривож эволюцияси, ташхислаш ва ўсма рецидиви прогнозида биомаркерларнинг аҳамияти, патологик жараёнга комбинирланган таъсирнинг қўлланилишида замонавий тенденцияларни ўрганиш бўйича адабиётлар таҳлилига бағишланган. Диагностика ва даволашнинг мультимодал усуллари самарадорлигининг қиёсий жиҳати, шунингдек, локорегионар касалликнинг прогрессияси масалаларида замонавий адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Клиник кузатувлар тавсифи, тадқиқотнинг материал ва услублари, натижаларни баҳолаш»** га бағишланган. Ўтказилган тадқиқот 2014 -2023 йилларда Та ва Т1 босқичларидаги МНҚС 227 беморларни танлаб ўрганиш ва даволаш

натижаларига асосланган. Бунда каминвазив даволаш усуллари (Трансуретрал резекция (ТУР) ва second look ТУР, фотодинамик терапия (ФДТ), интравезикал кимётерапия (ИВКТ) бажарилган ва натижалар 3 та тадқиқот гуруҳига бўлиб ўрганилган:

Тадқиқотнинг 1-гуруҳини қовуқнинг стандарт трансуретрал резекцияси, кейинчалик қовуқ ички кимётерапияси ўтказилган 84 та бемор ташкил қилган;


Тадқиқотнинг 2-гуруҳига ТУР билан биргаликда қовуқнинг ФДТси бажарилган 53 бемор ташкил киритилган;

3-гуруҳ - назорат гуруҳи бўлиб, радикал даво сифатида қовуқ ўсмасини ТУРи бажарилган 90 нафар МНҚС билан оғриган беморлардан ташкил топган.

Тадқиқот дизайни 1-расмда келтирилган бўлиб, ишнинг асосини МНҚС билан оғриган беморларни клиник-лаборатор, инструментал, иммуногистокимёвий ва морфологик тадқиқотлар натижаларини ретроспектив ва проспектив талқин қилиш материалларига асосланган бўлиб, уларнинг натижалари қуйидаги даражалар бўйича баҳоланган:


- Гендер-ёш кўрсаткичлари;
- Клиник-лаборатор кўрсаткичлар;
- Ўсма жараёнининг морфологияси;
- Ўсманинг миқдорий ва метрологик кўрсаткичлари;
- Ўтказилган терапия самарадорлиги;
- Прогрессияланишгача бўлган, рецидивсиз давр давомийлиги;
- МНҚСда такрорий аралашувлар натижалари;
- Иммуногистокимёвий омилларнинг экспрессияси;
- Даво усулига қараб яшовчанлик кўрсаткичлари.

Гендер-ёш кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатадики, МНҚС эркакларда энг кўп учрайди ва частота нисбати 2,2:1 ни, яъни 156 (68,7%) эркак ва 71 (31,3%) аёлни ташкил этган.



1-расм. Илмий-тадиқот ишини ўтказиш дизайни.

МНҚС беморларида ёш параметрларининг кўрсаткичлари кенг ўзгарувчанликни кўрсатди (29 ёшдан 84 ёшгача), ўртача 59,4±0,3 ёшни ташкил қилди. Умумий бемор популяциясида ва жинсига қараб касалланиш жадвалини ўрганиш натижаларнинг ўхшашлигини кўрсатди (2-расм).



2-Расм. Беморларни ёш декадасига қараб тақсимланиши, n=227

Тадқиқот гуруҳларида TNM таснифи (КХТ-10) бўйича беморлар тақсимоти 1-жадвалда келтирилган.

Та босқичининг T1 га нисбати МПҚСда 1: 3 ни ташкил этган. Ушбу нисбат кўрсаткичлари барча тадқиқот гуруҳларида деярли бир хил бўлиб, бу қиёсий натижаларга босқичлашнинг таъсири йўқлигини кўрсатган. Ўсма жараёнининг локализациясини ўрганилганда, энг кенг тарқалган патологик жараён қовуқнинг олд ва орқа деворлари соҳаларида кузатилганлиги, мос равишда 29,0 ва 28,6% ни ташкил этганлиги аниқланган.

1-жадвал

МНҚС беморларини TNM тизими бўйича тақсимланиши, n=227

Тадқиқот гуруҳлари	T1-босқич	Та-босқич
1-гуруҳ (n=84)	61 (72,6%)	23 (27,4%)
2- гуруҳ (n=53)	37 (69,8%)	16 (30,2%)
3- гуруҳ (n=90)	62(68,9%)	28 (31,1%)
Жами (n=227)	160 (70,5%)	67 (29,5%)

МНҚС беморларининг гендер-ёш кўрсаткичларига, патологик жараённинг локализацияси ва тарқалишига, ўсманинг гистологик тури ва дифференциация даражасига кўра клиник хусусиятлари 2-жадвалда келтирилган. Гистологик тузилиши кўра, барча (100%) беморларда уротелиал саратон тасдиқланган ва ўсма хужайраларининг дифференциация градацияси бўйича: кам (G1) - 75 (33,0%), ўрта (G2) - 53 (23,4%) ва юқори (G3) - 99 (43,6%) беморда аниқланган. 17 (7,5%) беморда текширувда қовуқда 2 ёки ундан ортик ўсма аниқланган.

ФДТ усули 1,0 см дан катта ўсманинг қовуқ ички визуал компоненти ва майдони 4 см дан ошмайдиган ясси ўсмалари бўлган беморларни даволашда ишлатилган. Умуман олганда, барча гуруҳларда ўтказилган тадқиқотда касалликнинг рецидив хавфи паст, оралик ва юқори бўлган, аъзо сақловчи даволаниш режалаштирилган беморлар киритилган.

2-жадвал

МНҚС беморларининг клиник тавсифи

Градациялар	Барча беморлар n=227	1-гуруҳ n=84 (ТУР+ИВХТ)	2-гуруҳ n=53 (ТУР+ФДТ)	3-гуруҳ n=90 (ТУР)	P
Ёши йиллар (M±m)	61,4±0,7	59,3±0,9	63,4±0,8	61,7±0,5	0,394
Жинси:					
Эрак	156 (68,7%)	59 (70,2%)	42 (79,2%)	55 (61,1%)	0,161
Аёл	71 (31,3%)	25 (29,7%)	11 (20,8%)	35 (43,2%)	
Қовуқ деворида ўсма жойлашуви:					
Олдинги	43 (29,0%)	18 (21,4%)	11 (20,7%)	14 (15,5%)	0,302
Орқа	65 (28,6%)	26 (30,9%)	14 (26,4%)	25 (27,7%)	
Туби	23 (10,1%)	7 (8,3%)	4 (7,5%)	12 (13,3%)	
Мультицентрик	17 (7,5%)	6 (7,1%)	3 (5,7,8%)	8 (8,9%)	
Ўнг девори	40 (17,6%)	15 (17,8%)	9 (16,9%)	16 (17,7%)	
Чап девори	39 (17,1%)	12 (14,3%)	12 (22,6%)	15 (16,6%)	
Ўсманинг ўлчами, см					
Ўртача (M ± m)	2,3±0,3	1,9±0,2	2,1±0,2	2,5±0,4	0,608
Медиана	1,5	2,2	2,3	2,7	
ЕОРТС бўйича рецидив хавфи:					
Паст даража	62 (27,3%)	23 (27,4%)	12 (22,6%)	27 (30,0%)	0,0001
Ўрта даража	104 (45,8%)	37 (44,0%)	26 (49,0%)	41 (45,6%)	
Юқори даража	61 (26,8%)	24 (28,6%)	15 (28,3%)	22 (24,4%)	
Саратон хужайраси дифференцировка даражаси:					
G1	75 (33,0%)	25 (29,7%)	19 (35,8%)	31 (34,4%)	0,082
G2	53 (23,4%)	18 (21,4%)	11 (20,7%)	24 (26,7%)	
G3	99 (43,6%)	41 (48,8%)	23 (43,4%)	35 (38,9%)	
pT категорияси:					
pTa	55 (24,2%)	21 (25,0%)	8 (15,1%)	26 (28,8%)	0,014
pT1	172 (75,8%)	63 (75,0%)	45 (84,9%)	64 (71,1%)	

Диссертациянинг «Мушакга нонинвазив қовуқ саратонини мультимодал даволаш» мавзусидаги учинчи бобида, мининвазив жарроҳлик ва комбинирланган даволаш усуллари бевосита натижалари келтирилган. ТУР асосий ва ягона даволаш усули сифатида МНҚС билан касалланган 90 беморда амалга оширилган. Беморни кузатиш давомийлиги 60 ойгача бўлган (ўртача 32±0,7 ой). Бирламчи ТУР натижалари қайта

цистоскопия вақтида визуал баҳоланган ва 11 (12%) беморда операциядан кейинги асоратлар кузатилган: 7 (7,8%) беморларда қон кетиши, 3 (3,3%) беморда сийдик йўли инфекцияси (цистит) ва 1 (1,1%) беморда қон кетиши билан перфорация. Clavien – Dindo таснифи бўйича жарроҳлик асоратларининг оғирлигини баҳолаш шуни кўрсатганки, ТУРдан кейин 8 (8,9%) беморда II даражали, 3 (3,3%) беморда – III даражали асорат кузатилган. ТУРдан сўнг кузатувнинг турли даврларида касалликнинг прогрессияси 38 (42,2%) беморда аниқланган.

Тадқиқотда ИВКТ қуйидаги омиллар асосида амалга оширилган: ўсманинг хавфлилик даражаси ва босқичи, хосила ҳажми ва сони, препаратни тизимли қўллаш пайтида кучли ножўя таъсири. Ўсмага қарши агент сифатида массаси 329 кДа бўлган, ДНК синтезини ингибирловчи ўсмага қарши антибиотик Митомицин С (ММС) қўлланилган. ММС моно режимда ҳафтасига 1 марта 4 ҳафта давомида қўлланилган. 64 (76,2%) беморда ММС дан интравезикал фойдаланишга ижобий жавоб кузатилган. Ушбу беморларда мониторинг медианаси 27,3+0,5 ойни ташкил этган ва бу юқори самарадорлик деб баҳоланган. Хусусан, ТУР дан кейинги ИВКТ натижалари таҳлиliga кўра, 20 (23,8%) беморларда ўсма жараёнининг локорегионал прогрессияси қайд этилган. Жараёнининг рецидиви 17,9 эркаклар ва 5,9% аёлларда кузатилган. Шу билан бирга, pT1 тоифасидаги рецидив pTa га нисбатан деярли 2 баравар кўп кузатилган – мос равишда 15,5 ва 8,3%. Ҳатто ИВКТдан кейин ҳам кўпинча мултицентрик рецидивлар кузатилган – 21,4% (18 бемор). Фақат 2 (2,4%) беморда қовуқ ТУРи соҳасидаги шиллик пардада якка рецидив ва аксарият холларда 4 см гача бўлган ўсмаларда кузатилган – 20,3% (p=0,06). Ушбу гуруҳда прогрессия частотаси ва гистологик дифференциация даражаси ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик аниқланган (p=0,06.), яъни G1 да рецидив 1,3%, G3 да - 19% да содир бўлган.

Қуйидаги кўрсатмалар асосида адьювант равишда 53 нафар беморда фотодинамик терапия қўлланилган: а) уретелиал саратоннинг дифференциациясидан қатъий назар, Та ва Т1 босқичларидаги бирламчи МНҚС. б) асосан экзофит ўсган 2 дан 4 смгача ўлчамдаги қовуқнинг пастки ва ён деворлар соҳасида патологик жараённинг локализациясида с) ўсманинг мултицентрик жойлашувида, уретра оғзи ва детризор зарарланганда. Бундан ташқари, ТУР ёки ТУР + ИВКТ усули самарасизлигида ҳам ФДТ ўтказилган.

53 беморда ТУР ва ФДТ ўтказилгандан сўнг турли даврда 10 (18,9%) беморда рецидив кузатилган. Бунда 2 см гача бўлган ўсмаларда ФДТдан кейин рецидивлар кузатилмаган, лекин ўсма 2 дан 4 см гача бўлган беморларда 18,9% ни ташкил этган. Энг кўп рецидивлар 24 ойгача бўлган даврда - 7 (13,2%) беморда кузатилган. Ўсманинг гистологик дифференциациясига қараб рецидивнинг ривожланишини баҳолашда ФДТдан кейинги кузатув даврида high grade (G1) беморларда прогрессия қайд этилмаган бўлсада, G-2 ва G-3 да дифференциация даражасида мос равишда 3,8 ва 15,1% ни ташкил қилган.

МНҚСни миниинвазив даволаш таҳлиliga кўра, ТУР ҳанузгача даволашнинг энг асосий компоненти ҳисобланади. ТУРнинг асосий ва ягона даволаш усули сифатида амалга оширилишида 12,2% ҳолатда операциядан

кейинги асорат кузатилган бўлиб, 3,3% да Clavien Dindo бўйича III даражани ташкил қилган. Шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифати ECOG бўйича II ва III балларга тенг бўлган ва бу кўрсаткич беморнинг ёшига пропорционаллиги аниқланган. ТУР ва ИВКТ ўтказилган беморлар гуруҳида операциядан кейинги асоратларнинг частотаси юқори бўлган -28,5%. ТУРдан фарқли ўлароқ, бу гуруҳда, ҳаёт сифати кимётерапиянинг ноҳўя таъсирлари оғирлигига боғлиқ бўлди. ФДТ ўтказилган беморлар гуруҳида операцияга оид асоратлар кузатилмаган. Асосийси, бу гуруҳда ФДТ локорегионар рецидивни камайишига олиб келган ва энг паст кўрсаткич – 18,9% кузатилган.

Диссертациянинг «**Мушакга ноинвазив қовуқ саратони клиник-морфологик ва молекуляр-биологик градациялари**» номдаги тўртинчи бобида, натижалар таҳлилига кўра даволаш усулларига мос равишда рецидив ҳолатларининг 18,9 дан 42,2% гача учраши аниқланган. Ўсма атрофи соҳасидаги уротелиоцитлар юзасида жойлашган CD31 иммуноглобулинини миқдорий ҳисоблашга асосланган қон томир зичлиги шаклида баҳолаш - микроваскуляр суратни (МВС) ўрганиш даволаш усуллариининг самарадорлигини баҳолаш ва МНҚС натижаларини прогноз қилишда асосий биомаркерлардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги таҳлил қилинган. МВС зичлиги кўп омилларга боғлиқ равишда ўрганилган (3-жадвал).

МНҚСда микроқон томирлар зичлигининг экспрессияси 3-жадвал

Клиник белгилари	Дастлабки экспрессия CD31	Даводан кейин CD31 экспрессияси			P
		1 гуруҳ	2 гуруҳ	3 гуруҳ	
Жинс : Эркак Аёл	71,2±1,7 75,5±2,6	69,3±2,7 70,4±1,9	73,5±2,3 76,1±3,3	63,3±3,2 65,1±2,9	0,03
Ёши: ≤45ёш 46-59ёш ≥60 ёш	84,7±5,3 77,1±3,5 68,5±4,3	76,3±4,1 70,1±2,3 63,4±3,0	80,1±2,2 74,4±3,0 69,3±5,1	77,3±3,1 68,6±2,4 60,3±4,1	0,004
Градация Tа (n=46) T1(n=91)	75,7±3,4 82,9±4,1	78,4±3,8 89,0±2,2	76,3±2,7 83,7±3,1	74,1±1,3 83,7±3,1	0,067
Хужайралар дифферен.: G1- high grade G2-middle grade G3-low grade	71,3±3,2 79,1±4,1 86,5±3,1	73,4±2,2 82,2±4,0 88,6±1,7	73,4±3,1 78,3±2,7 81,3±3,1	65,3±2,4 69,4±2,8 75,3±3,0	0,05
Ўсма жойлашуви: Локал Мультицентрик	67,1±3,9 83,2±3,4	73,4±4,1 84,3±2,3	62,3±2,9 74,3±3,7	63,1±4,3 85,4±3,3	0,02
Ўсма ўлчами: ≤1 см ≤2 см 2-4 см	65,1±4,2 79,2±3,1 86,7±3,5	68,2±4,1 81,3±2,9 88,5±3,7	71,2±3,9 74,3±2,8 89,3±3,7	62,3±4,1 83,1±4,4 80,1±3,1	0,001

Натижалар таҳлили МВСга ўсма локализацияси ва сонининг бевосита таъсирини кўрсатган. Жарроҳлик материални дастлабки текшириш пайтида маҳаллий ва мультицентрик ўсма ўсиши билан перитуморал соҳанинг МВС индексидаги статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланган. МНҚС нинг якка локализациясида, жойлашган жойидан қатъи назар,  $1 \text{ мм}^2$  уротелийга  $67,1 \pm 3,9$  микроваскуляр зичлик тўғри келган ( $p \leq 0,005$ ). Аксинча, мультицентрик жойлашганда кўпинча CD31 экспрессияси қайд этилади ва МВС зичлиги ўртача  $83,2 \pm 2,4$  ни ташкил этган. Қовуқ шиллик қаватидаги бир нечта ўсма ороллари яллиғланиш ва дегенератив ўзгаришларнинг турли босқичларига эга бўлиб, бу микроваскуляр тармоқнинг кўпайиши билан намоён бўлган.

Ki-67, PD-L1, p53 ва C-erbB2 протеинларнинг иммуногистохимёвий кўрсаткич сифатида прогностик аҳамиятини ўрганиш учун, 77 беморда натижаларни кейинги ретроспектив интерпретация билан тадқиқот ўтказилган. Олинган натижалар ўрганилганда онкопротеиннинг позитив экспрессияси билан боғлиқ ҳолда клиник белгиларга мувофиқ интерпретация қилинган. ИГХ вақтида Та босқич 34 (44,2%), T1 – 43 (55,8%) беморларда тасдиқланган. 47 (61,0%) беморда бирламчи даволанишдан кейин касаллик рецидив кузатилган ва 30 (39%) бемор беш йиллик кузатув давомида рецидив кузатилмаган шахслар бўлган (жарроҳлик материални ретроспектив текшириш туфайли). Барча беморларда ўсманинг пролифератив фаоллик индексининг турли даражадаги экспрессияси мавжуд. Текширилган беморларнинг 58,4%да Ki-67 нинг 40% дан кам, қолган 41,6% беморларда эса юқори кўрсаткичлари кузатилган. Уротелиал саратон билан оғриган беморларнинг 1/3 қисмида p53 оқсилнинг позитив статуси кузатилган. C-erbB-2 онкопротеинининг экспрессияси 35 (45,5%) беморда турли ўсма градацияларида 2+ ва ундан юқори кўринишида аниқланган. PD-L1 нинг мусбат юқори экспрессияси 41 (53,2%) беморда кузатилган. Шунингдек, ИГХ кўрсаткичлар бу триадаси синхрон экспрессияси МНҚС билан оғриган 28 (36,3%) беморларда аниқланган.

МНҚС нинг клиник параметрларига қараб биомаркер экспрессиясини таҳлил қилиш улар ўртасида ўзгарувчан боғлиқлик мавжудлигини кўрсатган: бемор ёши, касалликнинг T босқичи, ўсма хужайрасининг дифференциацияси ва патологик жараённинг рецидиви. Хусусан, гистологик дифференциациядан қатъий назар, таҳлил қилинган 77 беморда барча ўсма хужайралари Ki-67 позитивлиги кузатилган. Ўсма хужайраларининг G1 даражасида 59,1% ҳолларда Ki-67ни 40% дан кам экспрессияси қайд этилган. Аксинча, саратон хужайраларининг G2 ва G3 даражасида мос равишда 59,3 ва 40,9% ҳолатда ўсма хужайраларида Ki-67 экспрессияси 40% дан ортиқни ташкил қилиб, улар ядроларнинг специфик жигарранг ранги билан ажралиб турган (4-жадвал).

PD-L1 ифодаланганлиги уротелиал саратон гистологик гуруҳида ортиб бориш тенденциясига эга бўлган – G-1да – 45,4% дан G-3 да 64,3% гача ( $p < 0,05$ ). Бироқ, бу биомаркернинг экспрессияси рецидив йўқлиги билан солиштирилганда рецидивли беморлар гуруҳида уч барабар юқорилиги кузатилган – мос равишда 72,3 ва 23,3% (PD-L >1%). Аксинча, PD-L1

касалликнинг Та ва Т1 босқичлари бўлган беморларда бир хил частотада учраган. 45 ёшгача бўлган беморларда 40% дан ва 60 ёшдан ошган беморларда 69,4% гача ёшга боғлиқликнинг экспрессиясини ўсиши кузатилган.

4-жадвал

МНҚС градациясига қараб ИГХ маркерлар экспрессияси, n=77

ИГХ маркерлар градацияси	Ki 67 n=32/45		PD-L n=41	P53+ n = 24	C-erbB2 n = 35	Кўшма экспрессия n = 28
	<40	>40				
<b>Ўсма хужайралари дифференцировка даражаси</b>						
G1, n =22	13 (59,1%)	9 (40,9%)	10 (45,4%)	5 (22,7%)	6 (27,3%)	2 (9,1%)
G2, n =27	11 (40,7%)	16 (59,3%)	14 (51,8%)	7 (25,9%)	29 (33,3%)	7 (25,9%)
G3, n =28	8 (28,6%)	20 (71,4%)	18 (64,3%)	12 (42,8%)	16 (51,7%)	19 (67,8%)
<b>Жараён рецидивли</b>						
Res +, n = 47	17 (36,2%)	13 (63,18%)	34 (72,3%)	18 (38,3%)	27 (57,3%)	25 (55,3%)
Res -, n = 30	28 (93,9%)	12 (6,7%)	7 (23,3%)	6 (20,0%)	8 (26,7%)	2 (6,7%)
<b>Т мезони</b>						
Ta, n = 34	21 (61,8%)	13 (38,2%)	18 (52,9%)	10 (29,4%)	9 (26,7%)	9 (26,7%)
T1, n = 43	24 (55,8%)	19 (44,2%)	23 (53,2%)	14 (32,5%)	26 (60,4%)	19 (44,2%)
<b>Ёши</b>						
<40ёш., n=20	6 (30%)	14 (70%)	9 (45%)	4 (20,0%)	11 (55,0%)	3 (15,0%)
40-59ёш., n=21	8 (38,1%)	18 (61,9%)	7 (61,9%)	12 (57,1%)	9 (42,8%)	7 (33,3%)
>60ёш., n=36	18 (50,4%)	18 (50,0%)	25 (69,4%)	8 (22,2%)	15 (41,7%)	18 (50,0%)

P53 га антитаначалар билан саратон хужайра ядроларини бўялишининг юқори частотаси ўсма хужайраларининг low grade G-3 даражасида 42,8% беморда аниқланган. P53 маркернинг экспрессияси G1 ва G2 градацияли беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткич 2 баробар пастлиги қайт этилган ҳамда мос равишда 22,7 ва 25,9%ни ташкил қилган ( $p < 0,001$ ). Рецидивли беморларда p53 позитив хужайралар рецидивсизларга қараганда кўп бўлган – мос равишда 38,3 ва 20%. Ушбу кўрсаткичдаги сезиларли фарқлар p53 нинг прогностик кийматидан далолатдир. Та ва Т1 босқичларида бўлган беморларда, p53 индексининг ўзгариши кузатилган бўлиб, бу маркернинг Т градацияга нисбатан яхши информативлигини ифодалаган.

C-erbB2 (HER 2/neu) ген ишлаб чиқариш экспрессияси икки ёки ундан ортиқ “+” ижобий комбинацияси билан 35 нафар МНҚС беморларида ўрганилган. Олинган натижаларни таҳлил қилиш онкопротеин экспрессиясининг ўсма хужайраларининг гистологик дифференциациясига ва Т-грацияга боғлиқлигини кўрсатган. Бунга кўра, G3 да C-erbB2 гиперэкспрессияси 57,1% холатда кузатилди, G1 ва G2 да эса ўз навбатида 27,3 ва 33,3%ни ташкил қилган ( $p < 0,001$ ). Тадқиқотда ўсма Т градацияси билан оксилнинг экспрессиясидаги фарқлар сезиларли бўлиб, Та да 26,7%, Т1 да эса 60,4% ни ташкил қилган. Кузатув давомида 28 беморда бир вақтнинг ўзида

уччала биомаркернинг мавжудлиги қайд этилган. Таъкидланишича, учта маркерларнинг синхрон гиперэкспрессияси фақатгина МНҚС рецидивни бўлган беморлага хос бўлган - касаллик прогрессияси кузатилган беморларнинг умумий сонидан 59,6%. Бунда ёш, Т-кўрсаткич ва ўсманинг гистологик дифференциацияси даражасининг биомаркерлар эспрессиясига таъсир аниқланган.

